O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

Орадан йиллар, замонлар ўтади. Ишончим комилки, мана шундай беқиёс мўъжизалар яратишга қодир бўлган халқимизнинг меҳнат жасорати, Ватанга муҳаббат ва садоқати тилларда достон, келгуси наслларга ибрат намунаси бўлиб қолади.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 25-avgust • Shanba • 101 (27.746) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШГУЗАР — БОЙСУН — ҚУМҚЎРҒОН ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сиз азизларни мамлакатимиз ҳаётидаги том маънода унутилмас ва тарихий воқеа — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши билан чин қалбимдан муборакбод этишга ва сизларнинг тимсолингизда мана шу қурилишда қатнашган ишчи ва қурувчиларни, бу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларни бағримга босиб, ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз азал-азалдан йўл қурган, эл-юртнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилган одамларга доимо иззат-икром кўрсатиб келади. Ота-боболаримизнинг «Йўл қурганнинг йўли очиқ» деган чуқур маъноли сўзлари ҳам бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бундан ўн бешйигирма йил илгари юртимизда мана шундай катта маблағ, куч ва имкониятни, юксак билим ва тажрибани талаб қиладиган ўта мураккаб ва йирик лойиҳани амалга оширишни хаёл қилишнинг ўзи ҳам қийин эди.

Асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида туну кун мардона меҳнат қилиб, 223 километрдан иборат бўлган бу темир йўлни қисқа даврда, ҳаммаси бўлиб 33 ойда, муддатидан икки йил олдин ишга топширилишининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида ҳар томонлама улкан бир воқеа, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Амалга оширган бу буюк ишларимизнинг энг муҳим аҳамияти ва моҳияти шундаки, биз — ўзбек халқи ўз куч-қудратимиз, қурбимиз ва нималарга қодир эканимизни яна бир бор намоён этдик. Чиндан ҳам, гапиришга осон, лекин ана шундай қисқа муддатда бу ерда бажарилган ишларнинг ҳажми ва кўламини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, манаман деган ҳар қандай давлат ва жамоа ҳам ҳайратда қолиши табиий, албатта.

Буни денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда, қаттиқ қоя тошлардан иборат тоғли ҳудудлар бўйлаб, ёзнинг жазирама иссиғи, гармселлари, қишнинг изғирин шамоллари остида темир йўл излари ётқизилгани, Тошгузар ва Деҳқонобод, Окработ ва Дарбанд, Бойсун ва Қумқўрғон каби 6 та янги станция ва йўловчи платформаларига эга бўлган 9 та бекат барпо этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айниқса, барча станцияларда йўл хавфсизлигини таъминлайдиган ишлаб чиқариш объектлари, мактаб, тиббиёт масканлари, сув ва газ тармоқлари каби ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо қилингани бу лойиҳанинг энг замонавий талаблар даражасида амалга оширилганини кўрсатади.

Шу ўринда ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган кўприксозларимизнинг маҳорати билан қурилган 43 та кўприк, жумладан, темир йўл кўприклари ва йўл ўтказгичлари сингари мураккаб муҳандислик иншоотлари ҳақида катта ғурур билан алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Бу кўприкларнинг 9 таси денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бунёд этилганини инобатга оладиган бўлсак, бу борада илгари тажрибамизда кўрилмаган мислсиз ишлар бажарилганига ишонч ҳосил қиламиз.

Бугун чуқур мамнуният билан бир ҳақиқатни таъкидлашни истардим: темир йўл қурилишининг ўта мураккаб ва катта маҳоратни талаб қиладиган барча ишлари ўзимизнинг юксак малакали мутахассисларимиз томонидан, «Боштранслойиҳа» ва «Тоштемирйўллойиҳа» акциядорлик жамиятлари, моҳир муҳандис ва қурувчиларимиз томонидан бажарилгани айниқса эътиборга сазовордир.

Фурсатдан фойдаланиб, бу улкан лойиҳани режалаштириш ва амалга оширишда бизга яқиндан ёрдам ва кўмак берган хорижий шерикларимиз — Япония мамлакатининг вакилларига алоҳида миннатдорлик изҳор этиш менга юксак мамнуният етказади.

Муҳтарам дўстлар!

Энди Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлини қуриб ишга топширганимиз юртимиз равнақига нима беради, деган саволни лўнда қилиб ўртага қўйсак:

Биринчидан, бу йўл республикамизнинг жанубий минтақаси — Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларини бошқа ҳудудлар билан боғлайдиган, қон томиридай зарур бўлган воситани, бутун мамлакатимиз бўйлаб ягона ва яхлит темир йўл транспорт коммуникация тизимини барпо этишга имкон берди.

Қисқа қилиб айтганда, Ватанимизнинг жанубий ҳудудларини ҳар томонлама кенг қамровли ва ишончли, мустаҳкам ва самарали йўл билан боғлаб, юк ва йўловчи ташиш масофасини 170 километрга қисқартиришга имкон туғдирди.

Иккинчидан, амалга оширилган бу лойиҳа кўп асрлар давомида мудраб ётган тоғлар орасидан кесиб ўтиб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг четда қолиб келаётган бой ер ости минерал ресурсларини, нефть ва газ, рангли металл, кўмир ва калий тузи, қурилиш материаллари ва бошқа сифатли, қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун катта имкониятларни очиб берди.

Бу ҳақда гапирганда, биргина 2006 йилда ана шу ҳудудда 7 та янги кон очилгани, уларнинг олтитаси нефть-газ, биттаси газ кони эканининг ўзи бу макон ер ости қазилмаларига нақадар бой эканини яққол исботлайди.

Учинчидан, темир йўл қатновининг очилиши бу ерда авваламбор иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлмиш қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқларнинг очилишига, ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам замин яратади.

Янги темир йўл фойдаланишга топширилиши билан Қашқадарё вилоятидаги Тепақўтон калий туз кони асосида Деҳқонобод калий ўғит заводининг қурилиши лойиҳасини тайёрлаш ва унга хорижий мамлакатларнинг инвестицияларини жалб этиш бўйича ишлар бошлангани бунинг далилидир.

Шулар қаторида Сурхондарё вилоятида Хонжиза полиметалл, Шарғун ва Бойсун тошкўмир конларини ўзлаштириш, янги цемент заводларини қуриш юзасидан тайёргарлик ҳаракатлари бошланганини таъкидлаш лозим.

Тўртинчидан, бундай улкан лойиҳа ва режаларнинг амалга оширилиши шу минтақада яшайдиган аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг амалий эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамият касб этиши барчамизга аён бўлиши керак.

Бугунги ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, темир йўл тармоғининг ишга туширилиши юк ташиш ва йўловчилар қатновини ташкил қилиш, темир йўлларга хизмат кўрсатиш ва йўл хавфсизлигини таъминлаш учун камида 2-2,5 минг ишчини талаб қилади. Қурилиши режалаштирилаётган янги корхоналар ва хизмат шохобчаларида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида эса қўшимча тарзда 3-4 минг киши ўз иш жойларини топади.

Бешинчидан, ҳеч шубҳасиз, бу йўл Ўзбекистоннинг чет давлатларга, аввало, Трансафғон темир йўл коридори орқали яқин келажакда тўғридан-тўғри Ҳинд океани, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари портларига чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, юртимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятимизни кескин оширади.

Ҳақиқатдан ҳам буюк ва тарихимиздан муносиб ўрин оладиган бу қурилишнинг Ватанимизнинг бугунги куни ва эртанги ҳаётидаги ўрни ва таъсири ҳақида яна кўп гапириш мумкин.

Ўйлайманки, ушбу йўл ишга тушиши ва амалда транспорт тизимининг барқарор ҳаракати бошланиши билан кенг жамоатчилик, авваламбор шу йўлдан ўзига қулайлик ва наф топадиган одамлар, энг муҳими, ҳаётнинг ўзи бу лойиҳанинг янги-янги қирраларини кашф этиб, унинг нақадар улкан аҳамиятга эга бўлганини яққол тасдиқлаб беради.

Лекин мен бугун бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан айтишни ўринли деб биламан.

Ишончим комилки, бу беқиёс қурилишда ўзининг азму шижоатини, фидойилик ва жасоратини намоён этган барча-барча инсонларни — қурилиш бошлиғидан тортиб, оддий ишчи ва хизматчигача — эл-юртимиз юксак қадрлайди ва уларнинг номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Ҳеч шубҳасиз, бу буюк қурилиш майдони аввало минг-минглаб ёшларимиз учун одамнинг иродасини тоблайдиган, ҳар қандай қийинчиликни енгиш учун куч-қувватни сафарбар этишни талаб қиладиган, мардлик ва фидойилик каби фазилатларни камол топтирадиган билим ва тажриба мактаби бўлди, десак, ўйлайманки, асло хато бўлмайди.

Орадан йиллар, замонлар ўтади. Ишончим комилки, мана шундай беқиёс мўъжизалар яратишга қодир бўлган халқимизнинг меҳнат жасорати, Ватанга муҳаббат ва садоқати тилларда достон, келгуси наслларга ибрат намунаси бўлиб қолади.

Мана шу хурсандчилик дақиқаларида сизларни бугунги юксак ғалаба, меҳнат байрами билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Сизларга ҳамиша бахт ва омад ёр бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

Дадахонов Тоир — «12-трест» очиқ акциядорлик жамиятининг 50-қурилиш бошқармаси монтажчи-пайвандчилар бригадаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мирзаева Халчахон — Тўрақўрғон туманидаги «Хатича ая» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Рахманов Сайдали Парманович — Олмалиқ кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти «Қолмақир» конининг экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

Саидазимов Зархўжа Муратович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Боинг» учувчилар отрядининг учувчи-йўриқчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 24 август

Дадахонов Тоир

Мирзаева Халчахон

Рахманов Сайдали Парманович

Саидазимов Зархўжа Муратович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»

Дусмуратов Арабали Кенджаевич — Қизириқ туманидаги «Рабатак» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Рўзматов Юсупбой — Боғот туманидаги «Анвар Ахмад» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»

Ким Лев Николаевич — Қарши туманидаги «Лёва» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Юлдашев Нурмамат — Норин туманидаги «Норин машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг механизатори, Наманган вилояти

Ўринбоев Ўнғор — Зарбдор туманидаги «Шодлик» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»

Акбарова Мутабархон — Фурқат туманидаги «Кумуш тола» масъулияти чекланган жамияти пиллахонаси агрономи, Фарғона вилояти

Турғунова Хатичахон — Балиқчи туманидаги «Саховат» фермер хўжалиги пиллачиси, Андижон вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Мамажонов Вохиджон Вохобович — «ЎзДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамиятининг пресслаш цехи бошлиғи, Андижон вилояти

Рамбергенов Абат Кенгесбаевич — Қўнғирот сода заводи бош муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тухтаев Умаркул Джуракулович — «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятининг 87 -цех участка бошлиғи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

Мавлянов Боходир Шукурович — «159-қурилиш трести» акциядорлик жамиятининг 8-қурилиш бошқармаси ғишт терувчиси, Тошкент шаҳри

Рахимов Махамаджон Абдулазизович — «Йўл лойиҳа бюроси» масъулияти чекланган жамияти бўлим бошлиғининг ўринбосари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

Курбанов Амрулло Нарзиевич — «Бухорогазсаноатқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятининг «Нефтгазавтотранс-хизмат» унитар корхонаси ҳайдовчиси

Фазилов Абдужаббар Муталович — «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасининг «Чилонзор» депоси машинисти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»

Алимкулов Бердимурат Сайидович — Сирдарё гидрогеология-мелиоратив экспедицияси зовурлар бўлими бошлиғи

Хайдаров Улуғбек Умматович — «Зарафшонҳавзасув» бошқармаси экскаваторчиси, Самарқанд вилояти

Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Адилов Хасан Пирматович — Ўймакор ёғоч устаси, Тошкент шаҳри

Ахмедов Тошпўлат — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими масъул котиби

Бегматов Усмонали — «Нуроний» жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими раиси

Бекчанов Нариман Каримович — Урганч туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Хоразм вилояти

Болтаев Шоберди — Бойсун туманидаги халқ бахшиси, Сурхондарё вилояти

Ғопиров Камолиддин — Шаҳрихон туманидаги 53-ихтисослашган умумтаълим ўрта мактаби директори, Андижон вилояти

Зайнутдинова Лола Ибрагимовна — Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқитувчиси

Иноятов Джуракул Бахритдинович — Самарқанд вилоятларараро миллий халқ амалий санъати «Усто» бирлашмаси бадиий раҳбари

Иноятов Январь Пулатович — «Нуроний» жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлими раиси

Муйдинхужаев Хумитхон — Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Мухаммеддинов Нажимаддин — Қорақалпоғистон Республикаси Бастакорлар уюшмаси раиси

Тулаганова Мухайё Мирза-Алиевна — Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси

Эсонова Олтиной Аҳмадалиевна — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими раиси

Қобилов Солижон Қобилович — Жиззах тумани иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Авазов Камил — «Гурлансувқурилиш» унитар корхонаси бульдозерчиси, Хоразм вилояти

Базаров Эркин Эргашевич — «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси бошлиғининг капитал қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Бурханов Иномедин — Наманган шаҳридаги «Наманганмаш» очиқ акциядорлик жамиятининг асбобсозлик цехи бошлиғи

Жаппаров Рахматқул Мингқабилович — «Шўрчипахта» ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси, Сурхондарё вилояти

Зинько Николай Анатольевич — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси бош муҳандиси

(Давоми 2-3-бетларда)

БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗ АЗМУ ШИЖОАТИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 август куни «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўлининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.



3-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Князева Людмила Петровна — Сергели туманидаги «Қўприккурилиш» трестининг кран машинисти, Тошкент шаҳри

Кучкаров Баходиржон Акбарович — «Баликчи-текс» қўшма корхонаси йигирув цехи бошлиғи, Андижон вилояти

Махмудов Ахматжон Ибрагимович — «Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамиятининг таъмирлаш-механика цехи бошлиғи

Мусаев Соли Зияевич — «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамиятининг клинкер қуйдириш цехи айланма печлар катта машинисти

Намозов Рафаил Мухсинович — «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг монтажчиси

Рахматуллаева Зора Убайдуллаевна — «Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий уюшмаси» раиси

Сангилов Мусурмонкул Раимкулович — Гулистон туманидаги «Бирлашган» фермер хўжалиги механизатори, Сирдарё вилояти

Сейтназаров Сарсенбай Ержанович — Тахтакўпир туманидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Хосилбеков Сайфулла — «Уч қулоч» кони чилангари, Жиззах вилояти

Шоназаров Олим Буранович — Пахтачи туманидаги «Гранит» ҳиссадорлик жамияти цех бошлиғи, Самарқанд вилояти

Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан -техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Абдуллаев Амет — «Тахиатошгидроэнергоқурилиш» бошқармаси бош муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдуназаров Абдулла Бегандикович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси

Абдурахманов Марат Насирович — «Тошкент тажриба механика заводи» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Аслонов Усмон — Муборак туманидаги «Гулистон» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Бардиев Хусин — Ҳазорасп туманидаги «Машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамияти механизатори, Хоразм вилояти

Болтабоев Хабибилло — Андижон махсус йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонаси бульдозерчиси

Валиев Марат Равильевич — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи, Тошкент вилояти

Ешкабулова Тажиҳал Ешмуратовна — Қанликўл туманидаги «Ғафур» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ешмуратов Марат — Зарафшон қурилиш бошқармаси дурадгори, Навоий вилояти

Жуманиёзов Ражаб Солаевич — «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти бош директори, Навоий вилояти

Карабасов Полат Коптлеуович — «Шимолгазтаъминот» унитар корхонасининг Мўйноқ тумани филиали директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Комилов Бафо Аюпович — «Сирдарётелеком» филиалининг Гулистон шаҳар телекоммуникация боғламаси директори

Мадмуратов Сергей Иргашевич — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятининг рух заводи қуйдирувчиси, Тошкент вилояти

Мамадияров Холмурат Хаитович — Олтинсой туманидаги «Бунёдкор» қурилиш шўъба корхонасининг участка бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Маматқулов Дилшод Аҳмаджонович — Жиззах шаҳридаги «ЎзЭксайд» қўшма корхонаси бош муҳандиси

Назаров Ҳамидулла Сативалдиевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

Назиров Зохиджон — Гидрометеорология илмий-текшириш институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Настюшкин Геннадий Евгеньевич — Самарқанд шаҳридаги «Сино» очиқ акциядорлик жамияти агрегат бўлимининг дефектловчи устаси

Новотов Хайдар Бозорович — Нишон туманидаги «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги механизатори, Қашқадарё вилояти

Одилов Тошпулат — Қоровулбозор туманидаги «Ўзпарқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти бош иш юритувчиси, Бухоро вилояти

Ортиқов Бекдурди Садуллаевич — Қўшкўпир туманидаги «Ҳамроҳ» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Расулов Ахмадали Мамажанович — Мингбулоқ туманидаги ирригация бошқармасининг экскаватор машинисти, Наманган вилояти

Сабиржанов Равиль Салихович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси ўринбосари

Сулаймонов Носир Тошевич — Бухоро локомотив депосининг тепловоз машинисти

Ташпулатов Шермамат Уринбоевич — Булунғур туманидаги «Пилла» масъулияти чекланган жамияти бош агрономи, Самарқанд вилояти

Утабаев Рустам Хайдарович — Арнасой туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Файзиев Неъматулла — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Хадиметов Шухрат Шадиевич — «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси «8-автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси

Хотамов Зиннат Бўронович — Навбаҳор туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонаси автогрейдерчиси, Навоий вилояти

Чеботарев Сергей Николаевич — Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти бош метрологи, Фарғона вилояти

Шарипов Рауфхан Асланович — Бектемир туманидаги «Нерудник» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри

Шодиева Ҳамротош Нормуродовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Эшбоев Равшан — Бойсун туманидаги «Замбурли» фермер хўжалиги чўпони, Сурхондарё вилояти

Ўразбоев Шерқул — Жиззах тумани электр тармоқлари корхонаси электромонтёри

Ҳосилов Аваз — Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Аннаев Тазабай Сабирович — Тахиатош шаҳридаги «Қўприккурилиш» трестининг ишчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Асанова Гульнара Эдгемовна — Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси очиқ акциядорлик жамияти электр цехи катта устаси, Тошкент вилояти

Атласов Владимир Иванович — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси Андижон механика заводи шўъба корхонасининг токари

Ахмедов Равшан — «Навоий иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамияти сувни кимёвий тозалаш цехи бошлиғи ўринбосари

Бозорбоева Жангилиш — Жомбой туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

Динер Наталья Яковлевна — «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Учтепа тумани бошқармасининг муҳандиси, Тошкент шаҳри

Игамбердиев Курбан — Қарши шаҳридаги «Чармгар» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Ирискулова Светлана Николаевна — «Янгиерйўлиндустрия» корхонасининг сифат назоратчиси, Сирдарё вилояти

Каландаров Ражапбай — Тўрткўл туманидаги «Таъминотчи» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Камбаров Каримали — Пахтаобод туманидаги «Избоскан» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Камилов Анвар Иномович — Қўқон шаҳридаги «Электромаш» масъулияти чекланган жамияти созловчиси, Фарғона вилояти

Карабаев Фарход Аббасович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи

Каримов Малик Рахимович — Оққўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Каримова Машрабхон Кадировна — Гулистон шаҳридаги «Машрабхон ая» миллий хусусий ҳунармандчилик устахонаси раҳбари, Сирдарё вилояти

Кличев Тохир Хайруллаевич — «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компаниясига қарашли «Қашқадарё пармалаш ишлари» очиқ акциядорлик жамиятининг бурғулаш устаси

Краснова Людмила Николаевна — Хонобод шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг муҳандис-технологи, Андижон вилояти

Кривенко Татьяна Григорьевна — Бухоро тумани телекомуникация боғламаси электромонтёри, Бухоро вилояти

Мавлонов Рахимберди Рахмонбердиевич — Сўх туманидаги «Янгиариқ» аҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

Мансуров Латиф Эргашевич — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқори Чирчиқ тумани кенгаши раиси, Тошкент вилояти

Мунавваров Зохилло Иномходжаевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси

Мусаева Айхал Миралимовна — Боёвут туманидаги «Усмонобод» маҳалласи раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

Мирзенко Алексей Игнатович — Наманган шаҳридаги «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамияти бош муҳандиси

Наурзалиев Нсанали Курбашович — «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик жамиятига қарашли «Устюрт қидирув бурғулаш бошқармаси» унитар шўъба корхонаси бурғуловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Одилхўжаева Сурайё Маҳкамовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Плотникова Соня Зарифовна — Шовот туманидаги «Қангли» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

Подпорин Сергей Иванович — Ҳамза туманидаги «Подъёмник» акциядорлик жамиятининг таъмирловчи-чилангари, Тошкент шаҳри

Раджабов Фахритдин Зайниевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

Рахманов Хасанбой Гуламович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Ўзаэронавигация» маркази ҳаводаги ҳаракатни бошқариш Наманган ҳудудий бўлинмаси диспетчери

Рахматуллаев Бердимурод Хайруллаевич — Қамаши туманидаги «Бердимурод Рахматулла бобо ўғли» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Сувонов Зувайдулла Султонович — Кармана туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

Умиров Умар — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Мирзачўл туман бўлими раиси, Жиззах вилояти

Цхай Геннадий Андревич — Жиззах насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармасининг участка бошлиғи

Чеснокова Валентина Павловна — «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг газ ва конденсат қазиб чиқариш ва ҳисоб-китоб қилиш бошқармаси етакчи муҳандиси, Қашқадарё вилояти

Чжен Виталий Константинович — Бухоро вилояти Корейс миллий-маданий маркази раиси

Шоматов Мархия Абдивохидович — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Олмалиқ шаҳар бўлими раиси, Тошкент вилояти

Юлдашев Ўктам Носирович — Узун туманидаги «Телпакчинор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

Юнусов Махмудулла — Уйчи туманидаги «Юнусбек» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Юсупова Назира — Қумқўрғон туманидаги «Ҳуррият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

Кўп йиллар давомида мамлакатимиз равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилган, ҳозирги пайтда ҳам бой ҳаёт тажрибаси, маънавий фазилатлари билан эл-юртга ибрат бўлиб, ўғит-насиҳатлари билан ёшлар тарбиясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қуйидаги юз ёшдан ошган табаррук отахон ва онахонлар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

(100 ёшдан ошганлар)

Арзикулова Хосият — Навбаҳор тумани, Навоий вилояти

Ботиров Нажим — Касби тумани, Қашқадарё вилояти

Жуманова Рухсат — Гулистон тумани, Сирдарё вилояти

Иномова Садияхон — Тўрақўрғон тумани, Наманган вилояти

Камилов Абзал — С.Раҳимов тумани, Тошкент шаҳри

Митанова Новат — Оқдарё тумани, Самарқанд вилояти

Мўминова Тожинисо — Янгиобод тумани, Жиззах вилояти

Ниязимбетова Садат — Тўрткўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

Отажонова Бика — Янгиариқ тумани, Хоразм вилояти

Темирова Барно — Ғиждувон тумани, Бухоро вилояти

Умирзақов Матқосим — Олтинкўл тумани, Андижон вилояти

Хайдарова Фотима — Денов тумани, Сурхондарё вилояти

Хасанова Фотима — Бағдод тумани, Фарғона вилояти

Худайбердиева Угилай — Ўрта Чирчиқ тумани, Тошкент вилояти

Жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидойилик фазилатларини намоён этган ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидаги ватандошларимиз мукофотлансин:

«Жасорат» медали билан

Алёрова Гулсора Ташбаевна — Термиз шаҳридаги «Кўзи ожизлар ўқув ишлаб чиқариш корхонаси» тикувчиси, Сурхондарё вилояти

Диганшин Равиль Рафикович — Чирчиқ Олимпия захиралари коллежининг оғир атлетика бўйича мураббийси, Тошкент вилояти

Ибадуллаева Дарманжан Жумабаевна — Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Амударё туман бўлинмаси иш юритувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Кабулова Майя Милиевна — Каттақўрғон шаҳар тиббиёт коллежи ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Курбанов Умар — Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятининг «Қарши ўқув ишлаб чиқариш комбинати» ишчиси, Қашқадарё вилояти

Мамадалиев Баходир Мухаммаджанович — Наманган шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби қошидаги кўзи ожизлар махсус синфи ўқитувчиси

Маматова Махфурат — Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятининг Сирдарё туманидаги 2-маданият уйи директори

Носиров Ойбек Райимжонович — Баликчи туманидаги компьютер хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш устаси, Андижон вилояти

Пирнапасова Аноргул Саидовна — Шовот туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Тошходжаева Санобар Нишоновна — Олтиариқ туманидаги «Давр овози» газетаси муҳбири, Фарғона вилояти

Умаров Мурат Тахтаевич — Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Бухоро шаҳар бўлимига қарашли «Фошун» ўқув-ишлаб чиқариш кичик корхонасининг устаси

Ураков Нор Суннатович — Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятининг Навоий вилоят ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси

Шукуров Абдужамил Абдулазизович — Тошкент шаҳридаги «Байналмилал» футбол клуби йўриқчиси

Қўчқаров Исроил Исмоилович — Жиззах шаҳридаги «Уста Одил» миллий ҳунармандчилик устахонаси устаси

Ўзларининг тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилатларини намоён қилиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга катта ҳисса қўшаётган, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, аҳолининг тинчлик ва осойишталигини муҳофаза этишда фаол қатнашаётган қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Абдувохидов Абдурахим — Бўз туманидаги «Абдурахим» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Абдурахимов Адихам — Асака туманидаги «Асака бозорбоши» фермер хўжалиги сувчиси, Андижон вилояти

Абдурашидов Анвар Вахабович — Чиноз туманидаги «Янги Чиноз» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

Агеев Евгений Викторович — «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг темир йўл технологик транспорт бошқармаси филиали машинисти

Азизова Мухаббат Олимовна — Шаҳрисабз туманидаги «Умида она ўғли» фермер хўжалиги пиллачиси, Қашқадарё вилояти

Алимджанов Хабибулла Усманович — «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи ўринбосари

Аллануротов Рамазон Худойқулович — Шеробод туманидаги «Инвест-Транс» корхонаси ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

Арзикулова Гулсара — Пахтачи туманидаги «Хайробод» фермер хўжалиги сувчиси, Самарқанд вилояти

Артикбаева Мубарак Ергашовна — Тошкент туманидаги «Келес жун» очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси, Тошкент вилояти

Атабекова Муборакхон Солижоновна — Қувасой шаҳар ҳокимининг ўринбосари хотин-қизлар қўмитаси раиси, Фарғона вилояти

Атакузиев Азимжон Дултакузиевич — Данғара туманидаги «Найманча» машина-трактор парки масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Фарғона вилояти

Ахмеджанова Муяссар Исакжановна — Наманган шаҳридаги «Муштарий» акциядорлик жамиятининг тикувчиси, Наманган вилояти

Ахмедов Абдулла Ишанкулович — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги ахборотлаштириш бош маркази директори

Ахмедов Махамаджон Умарович — Бувайда тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонаси ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

Ахмедов Юсуф Ахмедович — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Мирзаобод тумани бўлими раиси, Сирдарё вилояти

Ахмедова Абиба Фозиловна — «Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» акциядорлик жамиятининг Сергели туманидаги участка асфальт пиширувчиси

Аҳмедов Мустақим Расулович — Пешку туманидаги «Навбаҳор» муқобил машина — трактор парки механизатори, Бухоро вилояти

Ашурбаев Камол — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг синаш ва созлаш цехи бошлиғи

Бабажанова Сабура Сатиевна — Бўстонлиқ туманидаги «Ғазалкент» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиси, Тошкент вилояти

Бабаков Абдуваҳид — Деҳқонобод туманидаги «Деҳқонобод» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

Балтабаев Урисбай — Қуйи Чирчиқ туманидаги «Тошлоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

Бердибоева Донагул Ибрагимовна — Амударё туманидаги «Қизил чоли ипаги» фермер хўжалиги пиллачиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Базаров Рустам Ханжарбаевич — Сайхунобод туманидаги «Каркидон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Бозоров Итолмас Жуммиевич — «Аму-Қоракўл» ирригация тизимлари бошқармасининг экскаваторчиси, Бухоро вилояти

Бозоров Хаит Тошқулович — Бандихон тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Сурхондарё вилояти

Болтаева Хавожон — Ҳазорасп туманидаги «Узукка қош» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий — ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

Галиева Венира Кашифовна — «Шўрчидонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг лаборатория бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Джураев Сохибжон Косимович — Чуст туманидаги «Жўра» фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Дуйсенбаева Улбосин Ережеповна — Қораўзак туманидаги «Маржан» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Дусматов Артик Хакимович — Зангиота туманидаги «1-механизациялашган кўчма колонна» очиқ акциядорлик жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Дўсматов Нортош — Пайариқ туманидаги «Чўлиев Вохид» фермер хўжалиги сувчиси, Самарқанд вилояти

Дустов Музраф Аблакулович — Самарқанд туманидаги «Самарқанд машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамиятининг оператори

Есенбаев Ережепбай — Нукус тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш фойдаланиш корхонаси автогрейдерчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жакбаров Абдилхошим Аширович — Мингбулоқ тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш фойдаланиш корхонасининг ҳайдовчиси, Наманган вилояти

Жалилов Маматазиз Қўзиевич — Жалолқудуқ туманидаги 152-автокорхона очиқ акциядорлик жамияти ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Захидов Ходжиакбар Саитович — Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги етакчи мутахассиси

Ибрагимов Рахимджан Нигманович — Мирзо Улуғбек туманидаги «Тошкент лак-бўёқ заводи» акциядорлик жамиятининг катта устаси, Тошкент шаҳри

Ибрагимов Хабибулла — Амударё туманидаги «Жумуртау карьери» масъулияти чекланган жамияти экскаватор-машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Исаев Болис Каскирбаевич — Томди туманидаги «Аяққудуқ» ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

Исаков Расулжон — Поп тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонасининг автогрейдерчиси, Наманган вилояти

Исакова Лолахон — Оқолтин туманидаги «Буюк чинор» фермер хўжалиги пиллачиси, Сирдарё вилояти

Исмаилов Ташпулат Исраилович — Уста-ҳунарманд, Тошкент шаҳри

Ишбаев Джума Коржавович — Ангор туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги сувчиси, Сурхондарё вилояти

Казаков Каюм — Вобкент туманидаги «Пирмаст» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Каракулов Жумакул — Зарафшон шаҳридаги «Даугизтау» геологик қидирув экспедицияси давлат корхонасининг бурғулаш қурилмаси машинисти, Навоий вилояти

Каримов Абрий — Нурота туманидаги «Карим-Жуман» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Каримов Шамсидин Ширинович — Республика Маънавият тарғиботи марказининг Пахтакор тумани бўлими бошлиғи, Жиззах вилояти

Кенжаев Илёс Низомович — «Шофиркон машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Бухоро вилояти

Кораев Бури — Ғузор туманидаги «Бурхон» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Кузибаев Мумин — Ховос туманидаги «Соҳибкор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

Кушбаков Равшан Етмишевич — Зарбдор туманидаги «Зартаъмир» корхонасининг автокран ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

Макаров Александр Валентинович — Миробод туманидаги «Сифат» лойиҳа қурилиш акциядорлик жамиятининг 75-қурилиш бошқармаси пайвандчиси, Тошкент шаҳри

Маликова Шовкатхон Қобуловна — «Фарғона-телеком» Охунбобоев туман телекоммуникациялар тармоқлари Лангар филиалининг телефон боғловчиси, Фарғона вилояти

Маматова Мархабат Ахматжановна — Учқўрғон туманидаги «Деҳқонобод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Махаматов Абдурашит Ахмедович — Бектемир туманидаги «Сувмаш» акциядорлик жамиятининг токари, Тошкент шаҳри

Машарипов Пирназар — Хива туманидаги «Машарип ҳосилот» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Мирзалиев Елубай Ахтиловович — Конимех туманидаги «Қизилқум» ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

Мирнасиров Миррахим Мирхайдарович — Республика «Махсус алоқа боғламаси» давлат унитар корхонаси бошлиғи

Мирхамидов Абдусаид Шарафович — Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятига қарашли «Бир сафда» журнали бош муҳаррири

Мухитдинов Зухритдин Усмонович — Чортоқ туманидаги 7-автокорхона очиқ акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Наманган вилояти

Нармуратова Гулшад Хушбақовна — «Сурхонтекстиль» акциядорлик жамияти тўқувчиси, Сурхондарё вилояти

Наубетова Алтинай — Шуманай туманидаги «Раўшан» маиший хизмат кўрсатиш хусусий корхонаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Нигматов Эргаш — «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятининг Толимаржон автотранспорт энергоқурилиш шохобчаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Никитина Людмила Алексеевна — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқармаси бошлиғи

Ниязимбетов Ниязмамат Казакович — «Беруний машина-трактор парки» давлат-акциядорлик жамиятининг чилангари, Қорақалпоғистон Республикаси

Норкулова Маърифат Рамазановна — «Ғарбгазтаъминот» унитар корхонаси Қизилтепа филиали назоратчиси, Навоий вилояти

Норқараев Номаз Маханович — Нуробод туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош чўпони, Самарқанд вилояти

Нормуродова Шарофат Тураевна — Чироқчи туманидаги «Сулаймон» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Нуриддинов Илхамжон Хакимович — «Кўрғонтепа машина-трактор парки» очиқ акциядорлик жамиятининг механизатори, Андижон вилояти

Нуруллаев Лутпула Иноятович — «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи

Олтинова Зухро Жамоловна — Хатирчи туманидаги С.Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

Орипов Абдусалом Хошимжонович — «Риштон пахта тозалаш корхонаси» очиқ акциядорлик жамиятининг устаси, Фарғона вилояти

Очилов Бегмат Ахматович — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг бўлим мудири

Очилов Муртаза Мирзаевич — Тайлоқ тумани сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг участка бошлиғи, Самарқанд вилояти

Петров Юрий Анатольевич — Ғаллаорол тумани электр тармоқлари корхонаси электромонтёри, Жиззах вилояти

Привалова Лариса Николаевна — Юнусобод туманидаги «Олтин мерос» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

Пулатова Гулчехра Абдихаликовна — Республика «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Оҳангарон тумани бўлими раиси, Тошкент вилояти

Ражабов Мадирим Эгамович — «Шовот-Қуловот» ирригация тизими бошқармаси экскаваторчиси, Хоразм вилояти

Ражабов Шарипбой — Боғот туманидаги «Боғот» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Раимов Нарбай Назарович — Термиз туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонасининг бўлим бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Рахимов Мамур Махмудович — Аму-Бухоро машина каналидан фойдаланиш вилоятлараро бошқармасига қарашли «Қуйи-Мазор» насос станциясининг чилангари, Бухоро вилояти

Рахимова Райхон Абдурасуловна — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сариосиё туман Кенгаши раиси, Сурхондарё вилояти

Раҳмонов Сафар Раҳмонович — Миришкор туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси йўл устаси, Қашқадарё вилояти

Реймкулова Калжан Кайпназаровна — «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти Қорақалпоғистон филиали Қораўзак тумани почта алоқа тармоғи почтачиси

Рузиев Мардон — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг 10-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси бош электромеханиги

Рихсиев Жавахир Икрамович — Ўзбекистон Карлар жамияти марказий бошқарув раисининг ўринбосари

Садиқова Мақсуда Ҳакимовна — «Хоразм-Нуртоп» қўшма корхонаси смена бошлиғи ёрдамчиси, Хоразм вилояти

Садикова Муфаррах Алимовна — Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Садритдинов Насритдин Фахриддинович — Уйчи туманидаги «Машад» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Сайитқулов Меликўзи — Учқўприк туманидаги «Истиқбол замин кўрки» муқобил машина-трактор парки механизатори, Фарғона вилояти

Саймбетов Пердебай Жумамуратович — Чимбой туманидаги йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш корхонаси автогрейдерчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сатимов Амин — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг бошқарма бошлиғи

Сафина Зайтуна Галимзяновна — Сергели туманидаги «Гулзори сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

Сидиков Абдуҳолиқ — Бахмал туманидаги Абдуҳолиқ Сидиков номли фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Соатов Зиёдулло Саидниёзович — Олот туманидаги «Зафар» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Сувонқулова Хосиятхон — Бешариқ туманидаги «Қоражийда» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

Таджибоев Кадиржон Нормирзаевич — Янгиқўрғон туманидаги «Мурод ўғли Малик» масъулияти чекланган жамиятининг ғишт юкловчиси, Наманган вилояти

Тиллаев Шодманқул — Нарпай туманидаги «Эштемир Тиллаев» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Талибаев Ғулам Яхшибаевич — Пастдарғом туманидаги «Машина-трактор парки» акциядорлик жамияти механизатори, Самарқанд вилояти

Тоштемиров Бахтиёржон Ғуломович — Ўзбекистон туманидаги «Муқимий Файз» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Тураев Бахром Акабоевич — Бекобод туманидаги «Ойбек машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг комбайн оператори, Тошкент вилояти

Турсунова Наргиза Тилаковна — Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши туман бўлимининг 38-мактаб бошланғич ташкилоти етакчиси

Тухтаева Мехманхан Тилавалдиевна — Хўжаобод туманидаги «Мустаҳкам» фермер хўжалиги пиллачиси, Андижон вилояти

Умарова Сахобат Муҳаммаджоновна — Чортоқ тумани ҳокимининг ўринбосари хотин-қизлар қўмитаси раиси, Наманган вилояти

Умирова Бувташ — Сайхунобод туманидаги Амир Темур фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси пиллачиси, Сирдарё вилояти

Уринов Бахтияр — 288-«Хонқа қурилиш» масъулияти чекланган жамияти ғишт терувчиси, Хоразм вилояти

Усманов Зокиржон Собирович — Норин туманидаги «Тола» ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси, Наманган вилояти

Усманов Карим Караевич — Фарғона туманидаги «Чимён» муқобил машина-трактор парки бош агрономи, Фарғона вилояти

Файзиев Юсуп — Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ кўчма механизациялашган колонна» масъулияти чекланган жамияти экскаваторчиси, Қашқадарё вилояти

Хаитбаева Гулчера — Янгибозор туманидаги «Боғолон машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг пиллачилик агрономи, Хоразм вилояти

Хаитов Олимжан Шарипович — Қибрай туманидаги «Солиҳ» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Хаккулова Барно Мустафаевна — Китоб туманидаги «Чармгар» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Халиков Умарджон — Тошлоқ туманидаги 75-автокорхона масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

Хасанов Бахадир Юлдашевич — Мирзо Улуғбек туманидаги «Бахт нури» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

Хидирова Тамара Махаматовна — Қўшработ тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Самарқанд вилояти

Хожиматов Мурот Махкамович — Бектемир туманидаги «Қуюв механика заводи» шўъба корхонасининг токари, Тошкент шаҳри

Холиқов Исмаил Турғунбаевич — Норин — Наманган ирригация тизими бошқармасининг Наманган тумани бўлими экскаваторчиси

Худайбердиев Сайфиддин Хусаинович — Дўстлик туманидаги «Жўш» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси муҳандиси, Жиззах вилояти

Хужанов Раимқул — Мирзаобод туманидаги «Мирзачўл» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

Чен Эльза Петровна — «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг электромонтажчиси

Шакиров Сативой — Улуғнор туманидаги «Назармаҳрам» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Шодмонова Ройхан — Зафаробод туманидаги С.Синдаров номли қишлоқ фуқаролар йиғини пиллачиси, Жиззах вилояти

Эгамбердиева Хайрихон Расуловна — Марҳамат туманидаги «Мингтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Эмирова Венера Эскандаровна — «Андижонтелеком» филиалининг Булоқбоши телекоммуникация боғламаси оператори, Андижон вилояти

Эргашова Озода Асроровна — Ғиждувон туманидаги Ф.Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

Эшкулов Равшан — Косон туманидаги «Эшқулобод» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Эшматова Шарофат Алимжоновна — Бўка туманидаги ҳунарманд, Тошкент вилояти

Юлчиева Мохинур Азизовна — Пахтаобод туманидаги «Хабибилло биохимик» хусусий корхонаси бошлиғи, Андижон вилояти

Ўлмасова Хикоятхон — Қува туманидаги «Қуёшхон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Қабулов Мадирим — Хива тумани алоқа боғламасининг электромонтёри, Хоразм вилояти

Қодиров Абдугани Ғопирович — «Сувсоз» трести давлат унитар корхонасининг шаҳар оқова сув тармоқлари бошқармаси чилангари, Тошкент шаҳри

Корёғдиев Фатулло Абдуллоевич — Жондор тумани телекоммуникация боғламаси «Зарафшон» қишлоқ телефон тармоғининг электромонтёри, Бухоро вилояти

Курбонов Бобомурот Абдурахмонович — Музработ туманидаги Шобердиев Эркин номли фермер хўжалиги сувчиси, Сурхондарё вилояти

Кучқаров Таджидин Дарвишевич — Ёзёвон туманидаги «Фар-қатортол» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 24 август

БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗ АЗМУ ШИЖОАТИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан дунё бозорига янги йўллар очиш, юртимизни бошқа давлатлар, минтақалар билан боғлайдиган транспорт коммуникациялари барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Қамчиқ довони орқали Фарғона водийсини, «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» темир йўли орқали шимолий минтақаларни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлашга эришилди. Амударё узра бунёд этилган маҳобатли кўприк Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳасини мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари билан туташтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Бухоро каби йўналишларда экспресс-поездлар қатнови йўлга қўйилгани ҳам бу борадаги салмоқли қадамлардан бўлди.

Темир йўл транспорти барча давлатлар иқтисодиётининг асосий қон томири ҳисобланади. Ўзбекистон учун эса у янада катта аҳамиятга эга. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, бугунги кунда 4 минг километрдан зиёд узунликдаги темир йўлимиз халқаро талабларга жавоб берадиган даражага кўтарилди. Айни вақтда мамлакатимизда юк ташишнинг қарийб 70 фоизи, экспорт ва импорт учун юк ташиш умумий ҳажмининг эса 80 фоизи темир йўл орқали амалга оширилаётир.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида қуриб битказилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линияси бу борада амалга оширилган улкан ишларимизнинг яна бир яққол намоёни, темирйўлчиларнинг Ватанимиз қутлуғ тўйига муносиб тўёнаси бўлди. Диёримиз тарихида оламшумул аҳамият касб этувчи ушбу бунёдкорлик иншооти мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 январда қабул қилинган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорида мазкур темир йўлни бунёд этишдан кўзланган мақсад мамлакатимиз транспорт коммуникацияларини, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, табиий ер ости бойликлари конларини ўзлаштириш лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш, шунингдек, республикамиз жанубий минтақаларининг ижтимоий инфратузилмасини равнақ топтиришдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган, узунлиги 223 километрни ташкил этувчи бу янги темир йўл эндиликда наинки Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини, балки ушбу воҳани пойтахтимиз ва юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан ҳам боғлади.

Йўл ўтган манзил тараққиёт, юксалиш сари юз буради. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли бўйида ястанган кенг ҳудудларнинг ривожланишида, шу заминда истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳаёти янада обод бўлишида бу муҳим коммуникация воситаси алоҳида ўрин тутади.

Мутахассисларнинг фикрича, янги темир йўл туфайли юк ва йўловчи ташиш 170 километрга қисқаради. Бу, шак-шубҳасиз, миллий иқтисодиётимизда транспорт сектори ишининг самарадорлигини кескин оширади. Тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида юзага келадиган ижобий ўзгаришлар ҳисобига тегишли минтақаларнинг ишлаб чиқариш қуввати изчил ривожлана бошлайди.

Кишиларимизнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлади. Темир йўл транспорти тизимида, унинг корхона ва ташкилотларида эса янги иш ўринлари очиш имкони юзага келади. Буларнинг барчаси янги темир йўлнинг самараларини, аввало, мазкур ҳудудлардаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон ўз ҳаёти мисолида яққол ҳис этишини таъминлайди.

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг ноёблиги шундаки, у фақат Ўзбекистон учун эмас, балки минтақамиз тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги иқтисодий глобаллашув шароитида ушбу темир йўл линиясининг ишга туширилиши, бир томондан, Ўзбекистон ва Евроосиё мамлакатлари ўртасида юк ташишнинг анча арзон нархларида Афғонистон орқали экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш имконини берса, иккинчи томондан, Трансафғон йўлагининг очилиши «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл йўналишида юк ташиш ҳажмининг янада ортишига олиб келади. Янги темир йўл линияси қўшни мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш ҳамда келгусида Афғонистон ва Эрон орқали Форс кўрфази портларига чиқиш учун ҳам хизмат қилади.

Бош буюртмачи — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, бош пудратчи — ушбу компаниянинг Йўл хўжалиги бошқармаси, шунингдек, бош лойиҳачилар— «Боштранслойиҳа» ва «Тошгемирйўллойиҳа» институтлари мутахассислари иштирокида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари халқимиз ўз кучи, салоҳиятига таяниб, қандай буюк ва бетакрор иншоотларни барпо эта олишининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Қурилиш ишлари денгиз сатҳидан 1800 метргача баландликдаги майдонларда, мураккаб табиий шароитларда — ёзнинг жазирама иссиқ ва қишнинг аёзли совуқ кунларида, ёғин-сочин, сел-тошқин кезларида ҳам бир меъёрда олиб борилди. Ўтган 33 ой ичида ғоятда кенг қамровли — 52,5 миллион куб метрлик тупроқ ишлари бажарилган бўлса, шунинг тенг ярми тоғли ҳудудларда қояларни бурғулаш ва портлатиш эвазига амалга оширилди.

Биргина қиёс: агар ушбу тупроқдан баландлиги уч метрлик девор барпо этилса, умумий узунлиги 43 минг 250 километрни ташкил этадиган бу «белбоғ» сайёрамизнинг «бел»ига бемалол етган бўлур эди!..

Диёримиз Буюк ипак йўли марказида жойлашган. Неча минг йиллик тарихимизнинг шуҳрати ҳам, истиқлол даври саодати ҳам, буюк келажагимиз иқболи ҳам кўп жиҳатдан йўлларнинг аҳамиятига бориб тақалади. Айнан шу боис манзиллардан-манзилларга замонавий, қулай ва хавфсиз йўллар очиш юртдошларимизнинг асрий орзуси бўлиб келган. Шунга қарамай, бу ерлардан бир кун келиб темир йўл ўтади, деса, бундан атиги 15-20 йил илгари ҳам кишиларимиз бу гапни афсонага йўяр эди.

Зотан, воҳанинг ушбу ҳудудида жойлашган баланд тоғ қоялари, чуқур сойликлар, пасту баланд адирлар узра поездлар қатновини йўлга қўйишни тасаввур қилиб бўлмасди. Миллионлаб куб метр қоя ва харсангларни бўлаклаш ва ана шу уюм-уюм тошларни ортиш, ташиш, тўкиш, шиббалаш каби оғир ва мураккаб жараёнларда иш сифатини таъминлаш, жуда тиғиз белгиланган муддатларга қатъий амал қилиш, боз устига, атроф-муҳит ва табиатга зарар етказмасдан ишлаш – буларнинг бари айтишга осон, холос.

Бунёдкор халқимиз ана шу афсонани ҳақиқатга айлантирди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир зеҳни, собит қадами, қатъий хоҳиш-иродаси ва азму шижоати эвазига халқимизнинг яна бир орзуси ушалди.

Бинобарин, ушбу қурилишнинг ўзи афсонавор кўлам касб этди. Жуда катта масофада пўлат из ётқизиш билан бирга, давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган темир йўл инфратузилмаси ва коммуникацияларини яратиш жараёни жадаллик билан давом эттирилди. Юк саройлари, локомотив депоси, техник хизмат кўрсатиш пункти, тармоқ электр таъминоти шохобчалари каби кўплаб объектлар шулар жумласидандир.

Йўл бўйлаб барча қулайликларни ўз ичига олган 6 бекат қуриб битказилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида «Тошгузар», «Деҳқонобод», «Бойсун», «Қумқўрғон», «Оқработ», «Дарбанд» станцияларида халқаро андозаларга мос янги вокзаллар қурилди.

Президентимиз 2004 йилнинг ноябрь ойида ушбу темир йўлнинг «Тошгузар» бекатида бўлиб, йўловчиларга яратилган шарт-шароит билан танишиш асносида, вокзалларда йўловчилар учун зарур кўшимча биноларнинг қуриш даркорлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Ўтган даврда бу борада катта ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз янги темир йўл бўйлаб дастлабки поездда Бешбулоқ қишлоғи ёнида қад кўтарган «Деҳқонобод» бекатига етиб келди. Янги вокзал биносида кутиш заллари, она ва болалар хоналари замонавий дид билан бунёд этилган. Ҳатто ногирон йўловчилар аравачалар билан чиқишлари учун қулайликлар яратиш ҳам эътиборга олинган.

Президентимиз «Деҳқонобод» бекати ҳудудида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончилик ишларини кўздан кечирди. Қурувчилар ва темирйўлчиларнинг иш фаолияти, турмуш шароити билан қизиқди.

Ислом Каримов яқин-атрофдаги қишлоқлар оқсоқоллари, қурувчи ва мутахассислар билан мулоқот чоғида янги темир йўлнинг иқтисодиётимизда тутадиган стратегик аҳамияти, хусусан, мамлакатимиз экспорт ва транзит салоҳиятини оширишдаги ўрни ҳақида тўхталди. Ушбу темир йўл ўтган воҳада кўплаб табиий қазилмалар — нефть, газ, ош тузи, калий тузидан тортиб тошкўмир, керамзит хомашёси, шағал, оҳак, гипс, полиметалл рудаси, Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча маъдан ва хомашё конлари жойлашган. Бу табиий бойликларни ўзлаштиришда темир йўл транспорти катта афзалликларга эга, албатта.

Айни вақтда «Деҳқонобод» станциясининг шундоққина ёнида калий маъданли ўғит заводи қурилиши бошланди. Бир томонда Шарғун кўмир конини ўзлаштиришга киришилди. Ушбу минтақадаги ер ости бойликларини ўзлаштириш юзасидан давлат дастури ишлаб чиқилган. Қолаверса, мамлакатимиз ва ушбу йўл ишга тушишидан манфаатдор давлатлар иқтисодиёти муттасил ривожланиб, бу йўл орқали қатновга эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда.

Ана шу муҳим жиҳатларни инобатга олган ҳолда, йўлни имкон қадар қисқа фурсатларда қуриб битказишга аҳд қилинган эди ва бу вазифа шараф билан уддаланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига қараганда, янги йўлда техник ва муҳандислик қўлами, жиҳатдан жуда ноёб иншоотлар — жами 609 сунъий қурилма, шу жумладан, 564 сув ўтказувчи йирик мослама ва 43 кўприк барпо этилган. Биргина Деҳқонобод — Бойсун оралиқ масофасида 31 кўприк қурилиши талаб этилди. Бойсун — Дарбанд станциялари оралиғида — атиги бир километрлик масофадаги тоғлар орасида бирибиридан мураккаб 6 кўприк қурилгани ҳам темир йўл йўналишининг нақадар қийин жўғрофий ҳудуддан ўтганини тасдиқлаб турибди.

Мисол учун, Деҳқонобод тумани Қорадаҳна қишлоғи яқинидаги Консой устига қурилган кўприкнинг узунлиги 234,2, баландлиги 45 метрни ташкил этади. Ислом Каримов ушбу йирик замонавий кўприк билан танишди, теварак-атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли учун зарур ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан тавсиялар берди.

Янги темир йўлда ишловчиларга ва унинг ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига тегишли ижтимоий шароит яратиш мақсадида ўнлаб замонавий коттежлар қуриб битказилди. Дарбанд станциясида 216 ўқувчига мўлжалланган мактаб, Деҳқонободда спорт мажмуаси қад ростлади.

Давлатимиз раҳбари темир йўлнинг энг баланд нуқтасида барпо этилган «Оқработ» бекатида ҳам бўлди. Ушбу мавзенинг об-ҳавоси ниҳоятда ўзига хос: бир кунда тўрт марта ўзгаради. Айни чоғда, темир йўл ўтказиш, вокзал бунёд этиш билан боғлиқ барча ишларни пухта ва сифатли амалга ошириш юзасидан давлат ва нодавлат тузилмаларининг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий соҳадаги ходимлари, ишчилар ва мутахассислар ўртасида ана шу мураккаб иқлим шароитидан келиб чиқилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Поезд «Дарбанд» бекатида тўхтади. Дарбанд ҳақида тарихий манбаларда жуда кўп ёзилган. Бойсундан ғарб томонда Саримас тоғ тизмасида жойлашган мазкур тор дара «Темир дарвоза» номи билан айниқса машҳур. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида муҳим стратегик объект ҳисобланган бу тоғ йўлидан Имом Бухорий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз ўтган. Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо 1403 йилнинг 24 августида ўз ҳамроҳлари билан айнан шу йўлдан ўтиб, Самарқандда – Амир Темур саройида ҳозир бўлган...

Ана шу тарихий манзил яна тарихий воқеаларга гувоҳ бўлди — «Тошгузар — Бойсун— Қумқўрғон» янги темир йўл линиясининг Қашқадарё ва Сурхондарё қисмлари ўзаро туташтирилди. Худди шу жойда мазкур темир йўлнинг ишга туширилишига бағишлаб тантанали маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари темир йўл қурилишида иштирок этган барча мутахассисларни улкан зафар билан қутлар экан, аввало, лойиҳачилар, темирйўлчилар, бинокорлар, кўприксозларга, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мутасаддилари ҳамда фаолларига, халқимизнинг буюк ишларига хайрихоҳлик билдирган хорижлик ҳамкорларимизга, ушбу улуғвор ишга ҳисса қўшган барча инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Бойсунлик оқсоқол Хоним Тошбеков, деҳқонободлик меҳнат фахрийси Ҳожинор Холтўраев, Ўзбекистон Қаҳрамони, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти Ҳамза Маҳкамов, Ғузор тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ҳожиқулова, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, Қарши давлат университети талабаси Нафосат Азизова ва бошқалар мамлакатимизда истиқлол йилларида юртимиз ободлигини, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган буюк ва эзгу ишлар учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Бахши-шоирлар — сурхондарёлик Тожи Холтўраев ва қашқадарёлик Қаҳҳор Раҳимов истиқлол, Ватан, янги ишга тушган темир йўл ҳақида янги термалар ижро этдилар.

Дарҳақиқат, тарихан қисқа муддатда — мўлжалдан икки йил олдин, умумий қиймати 447 миллион АҚШ долларини ташкил этган бу улкан лойиҳа мамлакатимиз темир йўл қурувчилари ва мутахассислари томонидан амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Лойиҳа ҳужжатлари ва бажарилган ишларни ўрганган «Россия темир йўллари» очиқ акциядорлик жамиятининг лойиҳалар экспертизаси бош бошқармаси мутахассислари бажарилган ишларга юксак баҳо бергани ҳам бунинг яққол исботидир.

Ҳа, не-не буюк зотлар қадами теккан бу тарихий манзиллардан истиқлол шарофати туфайли юртимиз равнақига равнақ, халқимиз фаровонлигига фаровонлик қўшадиган, Ватанимиз обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қиладиган темир йўл ўтгани билан фахрифтихор этсак арзийди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА махсус мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

24 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилди.

Мажлис ишида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Улар томонидан қайд этилганидек, йўл қурилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ташкилий асослари ва принципларини белгилаб бераётган ушбу Қонун бутун автомобиль йўллари тармоғи бўйича ягона техникавий сиёсат ишлаб чиқилиши ва юритилиши, йўлларнинг сақланиши таъмин этилиши, техникавий даражаси ва фойдаланиш ҳолати яхшиланишига ёрдам беради. Қонун бундай йўллардан иқтисодиётимиз ва аҳолининг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида фойдаланишнинг пухта тартибини белгилаб бермоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

(Давоми 4-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 3-бетда)

Шундан сўнг сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига, шунингдек «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутади. Мазкур Қонунга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларининг айрим нормалари суд-ҳуқуқ ислоҳоти асосида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштирилди. Чунончи, мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо турлари рўйхатидан чиқарилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларидаги мол-мулкни мусодара қилишга ва мол-мулкни мусодара қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартибига доир қоидалар қайта кўриб чиқилди. Айрим ўзгартишлар суднинг жарима солиш ҳақидаги ҳукмини ижро этиш тартибига тааллуқли бўлди. Сенаторлар Қонунни маъқуллладилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун билан «Давлат божи тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, амалдаги қонун ҳужжатлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан умумий юрисдикция судига ва хўжалик судига мурожаат қилганда уларни давлат божини тўлашдан озод қилиш ҳақидаги қоидалар ва бошқа нормалар билан тўлдирилди.

Сўнгра сенаторлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган ушбу Қонун аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аудиторлик фаолиятининг мустақиллик, холислик, профессионал билимдонлик ва махфийлик каби асосий принциплари, шунингдек аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқий механизмлар яратади.

Сенаторлар томонидан маъқулланган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни суғурта хизматлари бозорининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган ушбу Қонунда, муҳокама жараёнида таъкидланганидек, суғурталовчининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада аниқ белгиланмоқда. Булар жумласига суғурта фаолиятини амалга ошириш асосида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, суғурта захираларини шакллантириш ва жойлаштириш, ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиш киритилган. Бундан ташқари Қонун билан суғурта бозори профессионал иштирокчилари турлари белгилаб қўйилмоқда, суғурта брокери ва суғурта агенти фаолиятини амалга ошириш тартиби жорий қилинмоқда. Сенаторларнинг фикрича, ана шу ва ялпи мажлисда маъқулланган бошқа қонунлар мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, демократик ўзгаришларга теранлик бахш этишда мададкор бўлади.

Шундан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Сўзга чиққан сенаторлар ушбу Қонуннинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 14 мартда қабул қилинган Фармони ҳамда «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган Қарори асосида ишлаб чиқилганлигини таъкидладилар. Амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда хўжалик юритувчи субъектларга маблағларини ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирганларида фойда солиғи камайтирилиши билан боғлиқ ҳуқуқ ишлаб чиқаришга янгитдан жорий этилган янги технологик жиҳозлар бўйича мол-мулк солиғи юзасидан имтиёз бериш назарда тутилмоқда. Қонун ишлаб чиқариш микрофирмаларига ва кичик корхоналарга солиқ имтиёзлари беради, келтирилган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга, агар уларни етказиб бериш технологик жиҳозларни етказиб бериш ҳақидаги контракт шартларида назарда тутилган бўлса, божхона тўловлари бўйича имтиёзларни татбиқ этади. Қонун хўжалик юритувчи субъектларда техник ва технологик қайта жиҳозланишни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ПОЙТАХТДА БАЙРАМ САЙЛИ

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги тобора яқинлашаётган шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, шаҳару қишлоқларида ўзгача бир тараддуд ҳукмрон. Одамларнинг юз-кўзида байрамона кайфият акс этади. Энг муҳими, ҳаётимизга шукроналик, эртанги кунга ишонч руҳи халқимизни яратувчанлик сари ундамоқда, Ватан равнақи, фарзандлар камоли учун эзгу ишларга қўл уришга илҳомлантирмоқда.

Буни биз куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам сайли мисолида ҳам кўрдик. Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ўтган йиллар ичида боғ бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган байрамолди сайлида пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар учун маданий дастурлар, она-заминимиз нозне ъматлари кўргазмаси уюштирилди. Бир томонда бадиий жамоаларнинг чиқишлари, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари одамларга хуш кайфият бағишлаётган бўлса, бир томонда юртимизнинг саховатли заминида етиштирилган сархил мевалар ҳамда қўли гул новвойлар томонидан тайёрланган ширмой нонларнинг танлов ярмаркаси дилни яйратади. Айниқса, бу ерда унутилаёзган қовун сайлининг ташкил этилиши ва унда тилими тилни ёрар амири, қизил ананас, мирзачўл, кўкча, обиноввот, кўк турна, босволди, оқ уруғ, қизил уруғ каби қовун навларининг намойиш этилиши барчабарчани бирдек қувонтирди.

— Кўпдан буён кўрмаганим қовун сайлига келиб, болалигим эсимга тушиб кетди, — дейди 80 ёшни қаршилаган отахон Абдурахмон Жомий маҳалласи фаоли Хайриддин Хожибеков. — 1936 йилда шу кўлни қазишда иштирок этгандим. Илгарилари бу жой бунчалик кўркам эмасди. Мана, ҳозир баҳаво бир гўшага айланибди. Дарвозадан тортиб, ички биноларгача миллий услубда қурилибди. Буларнинг барчаси Мустақиллик туфайли рўёбга чиқди.

— Юртингизга биринчи марта келишим, — дейди Испания фуқароси Элена Десбилясан. — Куни кеча Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тайёргарлик жараёнига гувоҳ бўлдим. Бугун эса Тошкентда яна бир байрамнинг устидан чиқиб турибман. Тўғриси, халқингизга ҳавасим келди. Энди юртимга борсам, одамларга «Ўзбекистон байрамлар ўлкаси экан», дея таърифлайман.

— Байрамолди сайлида болаларимиз билан иштирок этяпмиз, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 567-мактабгача таълим муассасаси мудираси Мастура Мирсоатова. — Тарбияланувчиларимиз ўзларининг шеър, қўшиқ ва ўйинларини ижро этишди. Бундан уларнинг ўзлари ҳам хурсанд бўлди. Бу каби сайилларнинг ташкил этилиши фарзандларимизга миллий урф-одатларимизни ўргатишимизда жуда қўл келади.

Сирасини айтганда, сайилга болажонларнинг қувноқ қийқириқлари, ёшларнинг шодон ўйин-кулгилари ҳамда пиру бадавлат кексаларимизнинг бир пиёла чой устидаги гурунги ўзгача файз бағишлади. Бу каби шод-хуррамлик — Озодлик нашидасидан, Истиқлол қуёшининг беминнат нур сочиб туришидан ва албатта, халқимиз дастурхонининг тўкинлиги, ризқ-рўзининг бутунлигидан дарак беради.

Жасур ҲУСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Суратларда: *байрам сайилидан лавҳалар.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

● Ибрат

ҚАРИЯЛАР ТАШАББУСИ

билан Тошкент шаҳрининг Сирғали-1 даҳаси фахрийлар хиёбонида ҳашар ўтказилди

— Худога минг бор шукр, қарилик ғаштини суряпмиз, — дейди Сирғали тумани «Оқибат» маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Исмоил Исмоилов. — Мустақиллик берган имконият, неъматларни кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилади, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилади, озгина бўлса-да хайрли ишларга ҳисса қўшгимиз келади.

— Шунинг учун, кексаларимиз ҳашар билан хиёбонни обод қиламиз, деб бел боғлаб чиқдилар, — унинг гапига қўшилади «Кўшкўрғон» маҳаллалик отахон Абдусаттор Султонов.

— Фахрий отахонларимизнинг ҳашар уюштириш ҳақидаги ташаббусларидан қувондик, «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда дарҳол уларни қўллаб-қувватладик, — дейди ЎзХДП Сирғали туман кенгаши ходими Тўра Усмонов. — Бу шунчаки ободонлаштириш тадбири эмас, балки ёшларга ибрат, тарбиянинг бир кўриниши, халқимизнинг қадимий анъанаси, озодалик, ободонлаштириш ишларининг хосияти ҳақида сабоқ ҳамдир. Улар сафига партия туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Анвархўжа Авазхўжаев бошчилигида кўплаб ёшлар келиб қўшилишди.

Ҳашар баҳона кексалар «Эҳсон маркет» корхонаси раҳбари Абдулазиз ҳожи Эрназаров, тадбиркорлар Аъзам Мирзаулуғов, Абдурахмон оталар ёзган дастурхон атрофида мамлакатимиз мустақиллиги, уни қўлга киритишда кечилган машаққатлар, бугунги осойишта ҳаётнинг қадрига етиш ҳақида ёшлар ва кексаларнинг мулоқотлари бўлиб ўтди. Улуғ байрам олдидан муҳтож кексалар, кам таъминланган оилаларга эътибор тўғрисидаги масалалар ҳам четда қолмади. Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси туман кенгаши раиси Баҳодир Қурбоновнинг бемор, ёлғиз ва парваришга муҳтож кексалар учун ҳомийлар кўмагида қилинган эҳсонлар ҳақидаги гапларини тинглаб отахонлар дуога қўл очишди:

— Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 27 мартдаги 11-0622/1009-сонли қарорига асосан «Янги Вега» ҚҚ банкрот деб топилиб, унинг мулкий мажмуаси аукцион савдосига қўйилди.

Бошланғич баҳоси — 1 074 939 815 сўм.

Аукцион савдосида жисмоний ва юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

***«Янги Вега» ҚК тугатув бошқарувчиси:** Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Низомий кўчаси, 16-уй. Телефонлар: 306-80-79, 58-81-03.*

Андижон вилоят хўжалик судининг 2007 йил 9 август кунги №17-0702-4682 сонли ажрими билан Асака шаҳар «ФАМ» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасига (Асака шаҳар, Алиева кўчаси, 5-уй) нисбатан банкротликка доир иш қўзғатилиб, кузатув жорий этилган. Кузатув ишларини амалга ошириш учун Авазбек Шавкатович Аҳмаджонов муваққат бошқарувчи этиб тайинланган. Мазкур банкротлик бўйича суд муҳокамаси 2007 йил 13 сентябрь куни соат 14.30 да Андижон вилоят хўжалик суди биносида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 71-моддаси талабларига асосан 2007 йил 6 сентябрь куни соат 10.00 да ўтказиладиган қарздор «ФАМ» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси кредиторларининг биринчи йиғилишида қатнашиш учун ваколатли вакил иштирок этиши, ўз талабларини муваққат бошқарувчисига тақдим этиши сўралади.

Кун тартиби:

1. Муваққат бошқарувчи ҳисоботи.

2. Кредиторлар талабларининг реестрини тасдиқлаш.

3. «ФАМ» қўшма корхонасини банкрот деб эътироф этиш.

Кредиторлар йиғилиши қуйидаги манзилда ўтказилади:

Асака шаҳар, Амир Темур кўчаси, 27-уй. «Миллийбанк» Асака бўлими.

Мурожаат учун телефон: 233-34-82.



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
8253 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 23.30
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda